



**Fidoyilik –
Vatanga xizmat demak!**

Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

Кун ҳикмати

Ҷаҳат китоб
ўқиган кишигина
ўзининг кўп
нарсани
билмаслигини
англай олади

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

zarafshonbot



Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг

2021-yil 1-iyun, seshanba, 64 (23.500)-son

Самарқанд вилояти ҳокимининг ҚАРОРИ

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ ОЛТИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎТТИЗ УЧИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига асосан ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг олтинчи чакриқ ўттиз учинчи сессияси **2021 йил 4 июнь кuni соат 9:00 да** чақирилсин.

2. Сессия кун тартибига куйидаги масалалар киритилсин:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги "Рақамли Ўзбекистон – 2030" стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6079-сонли Фармони ижроси бўйича вилоятда олиб борилаётган ишлар юзасидан Ўзбекистон Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Д.Хўжамбердиевнинг ҳисоботи;
- Иштихон тумани ҳокими Ш.Негматовнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини баҳолашнинг рейтинг кўрсаткичларига кўра, тумanning ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолатини яхшилаш юзасидан амалий чора-тадбирлар дастурининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботи;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йилида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги ПФ-6155-сонли Фармони (129-банди) ижроси юзасидан вилоят ветеринария ва chorvachilikни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Э.Тошмуродовнинг ҳисоботи;
- бошқа масалалар.

3. Мазкур қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

Вилоят ҳокими

Э. ТУРДИМОВ.

2021 йил, 28 май
№ 107-Қ

Журналист ва блогерлар учун навбатдаги пресс-тур Жомбой туманига уюштирилди.

ЖОМБОЙДА ЯНГИ КОРХОНАЛАР ОЧИЛДИ

Инвестиция дастурлари доирасида амалга оширилаётган лойиҳалар ва экспортёр корхоналар фаолияти билан таништириш мақсадида ўтказилган тадбирнинг биринчи манзили "Turbo Hiyigienic" масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхона бўлди. 2020 йилда фаолият бошлаган бу корхонада болалар тагликлари ва нам сочиқлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Лойиҳа қиймати 28 миллиард 177 миллион сўм бўлиб, қарийб 25 миллиард сўмлик сармоя Доминикан Республикаси фуқароси томонидан киритилган.

Шундан сўнг иштирокчилар "Milk Vii" корхонаси фаолияти билан танишди. Бу ерда сутни қайта ишлаш йўлга қўйилган. Қиймати 24 миллиард 950 миллион сўм бўлган мазкур лойиҳа ишга тушиб, 25 нафар жомбойлик ишсиз ёшнинг бандлиги таъминланди. Корхонада ҳозирча куруқ ва куюлтирилган сут ҳамда сариеғ тайёрлан-

моқда. Яқинда бу ерда музқаймоқ ҳам ишлаб чиқариш режалаштирилган.

- Туманда иккита кичик саноат зонаси мавжуд бўлиб, ҳар бирида 40 тадан корхона фаолият олиб боради, - дейди туман ҳокими Қаном Собиров. - Бу саноат зоналарини замонавий кўринишга келтириш учун лойиҳа ишлаб чиқилган. Бу ерга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган ёшларни тақлиф қиляпмиз. Яна кўплаб янги иш ўринлари яратилади.

Тумanning Зарафшон маҳалласида жойлашган биринчи саноат зонаси худудида "BRADJUS" масъулияти чекланган жамияти шаклидаги корхонада тез тайёрланувчи лағмон маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

- Маҳсулотлар Яноши технологиялари асосида тайёрланмоқда, - дейди корхона иш юритувчиси Улмас Собиржонов. - Лойиҳани амалга ошириш учун ўз маблағимиздан 4 миллиард 750 миллион

сўм, хорижий инвестиция ҳисобидан 1,3 миллион АҚШ доллари миқдорига сармоя киритилди. Биринчи босқичда 30 нафар ёшни иш билан таъминладик. Келгусида яна фаолиятимизни кенгайтириш ниятидамыз.

Шу кунги корхонанинг расмий очилиш маросими ўтказилди.

Журналист ва блогерлар пресс-тур давомида туманда амалга оширилиши кўзда тутилган янги лойиҳа билан ҳам танишди. Яқинда иш бошлаш арафасида турган "Shelf Vostok" қўшма корхонасида ёқилги куйиш шохобчалари учун ишлаб чиқарилиши режалаштирилаётган компрессорлар, аккумулятор блоклари, тақсимлаш калонкалари ҳақида маълумот берилди. Мазкур лойиҳага 5 миллион АҚШ доллари миқдорига хорижий инвестиция жалб этилганлиги айтилди.

Тўлқин СИДДИҚОВ,
Бахтиёр МУСТАНОВ (фото).



Ижодкорлар боғда жам бўлди

Жомбой тумани ҳудудида жойлашган "Зарафшон" миллий табиат боғида давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган беш ташаббус доирасида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Туман ҳокимлиги ташаббуси билан ташкил этилган тадбирга таниқли шоир ва ёзувчилар ҳамда жомбойлик ёш ижодкорлар тақлиф этилди.

- Адабий кечанинг аҳамияти катта, - дейди ёш ижодкор Гулшода Ҳусниддинова. - Бу каби тадбирлар эндигина ижод оламига қадам қўяётган йигит-қизлар учун маҳорат мактаби вази фасини ўтади. Учрашувда таниқли адиб ва журналистлар - Маматқул Ҳазратқулов, Фармон Тошев, Хосият Бобмуродова, Ойхумор Асадова, Манзура Шамсиева билан дилдан суҳбатлашдик, маслаҳатларини олдик. Ижод намуналаримиздан ўқиб бердик.

Тадбирда шу кунларда 70 ёшлик обидини нишонлаётган шоирлар Хосият Бобмуродова ва Ойхумор Асадовага тадбир ташкилотчилари томонидан совғалар топширилди.

Тадбир доирасида тумандаги "Умид" ижодий клубининг тақдими ҳамда "Олтин қалам" мукофоти соҳиби, расм Хасан Султонов чизган асарлар кўргазмаси ўтказилди.

Самижон ЖўРАҚУЛОВ.

ЕР СОТИШНИНГ УВОЛИ ЁМОН

Коррупцияга қарши курашиш бўйича вилоят идоралараро комиссияси йиғилишидан

Ўтган ҳафтада оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда эълон қилинган Самарқанд вилоятида айрим ўрта бўғин раҳбарларининг ер сотиш билан боғлиқ жиноятларга алоқадорлиги ҳақидаги ахборотга аҳоли томонидан жуда кўп муносабатлар билдирилди. 28 май кuni давлат раҳбари ҳам бундай аҳвол олиб борилаётган ислохотларимизга мутлақо тўғри келмаслигини таъкидлади.

Шу сабабли Самарқанд тумани ҳокимлигида бўлган йиғилишда вилоят ҳокими Э.Турдимов бундай нохуш ҳолатга сиёсий ва ижтимоий баҳо берди.

- Раҳбарнинг нопоклиги, аввало, унинг ўзи ва оиласи шаънига пугур еткази, қолаверса, бу иш одамларнинг норозиликка сабаб бўлади, - деди вилоят ҳокими. - Ёмони шундаки, бундай кўринишларга қарши туман зиёлилари, депутатлар жиддий муносабат билдирмапти. Ваҳоланки, кейинги йилларда туманда ер сотиш билан боғлиқ ўнлаб жиноятлар, қонунбузарликлар аниқланган. Маҳалла оқсоқоли ҳам, участка нозирини ҳам, ерга масъул инспекциялар ҳам кўз ўнгиде бўлаётган воқеаларга бефарқ қарашган.

- Биз муҳокама қилаётган, ҳозирда эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олинган фермер хўжалиги бошлиғи бир ой олдин туманда коррупцияга қарши кураш бўйича ўтказилган йиғилишда ҳалоллик ҳақида барчага «сабоқ» берган, - дейди вилоят прокурори Р.Машарипов. - Туман кенгаши депутати энди ўзи ақл ўргатган ҳаммасларини, сафдошларини, бола-чақаси юзига қандай қарайди? У ўз фермер хўжалигига қарашли ерни 28 минг АҚШ доллари эвазига бошқа шахсга сотмоқчи бўлганда қўлга олинди.

Йиғилишда комиссия аъзолари, туман жамоатчилиги вакиллари ушбу ҳолат юзасидан муносабат билдирди.

Ўрганишлар шуни кўрсатдики, ҳокимлик, маъмурий идоралар мутасаддилари, маҳалла оқсоқоллари, депутатлар ноқонуний қурилишлар, ердан ўзбошимчилик билан фойдаланиш ҳолатларига ўз вақтида чора кўрмаган, эътироз билдирмаган. Бугунги кунда ҳам иссиқхона фаолиятини йўлга қўйиш учун ер майдони олиб, уни бироз муддатдан сўнг уй-жой қуриш ёки бошқа мақсадда сотиб юбориш ҳолатлари мавжуд. Канал ва сой бўйларини



да балиқчилик хўжаликлари ташкил қилган айрим шахслар сув йўлларидаги шағал олиб, балиқчилик хўжалигини мутлақо юритмаган. Соҳага оид назорат инспекциялари вакиллари эса томошабин вази фасини ўташяпти.

Йиғилишда туман ҳокимлиги, секторлар, ташкилотлар раҳбарларига, депутатларга жиддий эътироз билдирилди. Айниқса, фермер хўжаликлари қатъий огоҳлантирилди: энди ўз худудидаги ердан бошқа мақсадда фойдаланганлик учун улар шахсан жавоб берадилар.

Йиғилиш сўнггида яқдил хулосага келинди: порахўрлик, коррупция мамлакатимизда олиб борилаётган шиддатли ислохотларга мутлақо тўғри келмайди. Унга қарши курашмаслигининг ўзи ҳам жиноят. Қолаверса, ер сотишнинг уволи ёмон.

Фармон ТОШЕВ.



ИСТИҚЛОЛ НУРИДАН МУНАВВАР

УРГУТ!

Ватанимиз мустақиллигининг ўттиз йиллиги олдидан Ургут туманида шу мавзу доирасида маънавий-маърифий тадбирлар, ижодий учрашувлар ўтказилди.

Учрашувлар
Зиёратдан бошланди

Вилоят ва Ургут тумани ҳокимликлари, Ўзбекистон Ёзувчилар ва Журналистлари ижодий уюшмалари вилоят бўлимлари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбир қатнашчилари - Самарқандда туғилиб ўсган ва айни пайтда пойтахтимизда иш фаолиятини олиб бораётган, ижод қилаётган шоир ва ёзувчилар, олим ва журналистлар, санъаткорлар дастлаб Кенасга қишлоғида Ўзбекистон халқ шоири Барот Бойқобилов хотирасига мунёд этилган "Хамса боғи" ва Ғўс қишлоғидаги Ғавсул Аъзам қадамжосини зиёрат қилдилар.

Меҳмонларни кутиб олган Ургут тумани ҳокими Ботир Жабборов туманда Ватанимиз мустақиллигининг ўттиз йиллигига кўрилаётган тайёргарлик, маҳаллаларда

олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари ҳақида маълумот берди.

- Давлатимиз раҳбарининг яқинда Самарқандга ташрифлари чоғида туманимизда бўлиб, "Ургут" эркин иқтисодий зонаси фаолияти билан танишиб, тадбиркорлар ва фаоллар билан суҳбатлашганлари, Ургутни янада ривожлантириш бўйича вази фасини белгилаб берганлари олдимизга янги марралар қўйиб меҳнат қилишга ундади, - деди Б.Жабборов. - Аввало, бутун туманимиздан иқтисодий зона сифатида фойдаланиш имконияти яратилаётгани ва холдинг компания ташкил этилаётгани, Ургут инновацион ҳудудга айланаётгани, тумanning янги марказини бунёд этиш ҳаракати бошлангани, Самарқанд давлат университети филиали очилаётгани ва бошқа янги-

лик, ўзгаришлар албатта, аҳоли кайфиятига ижодий таъсир кўрсатиб, барчамизга жўшқинлик бағишлади. Нафақат маҳалла ва қишлоқларимиз ниқёсида, балки хоҳонлар, оилаларда ҳам янгилашга, янгилашга меҳнат қилишга иштиёқ уйғонди. Қисқа вақт ичида юздан зиёд тадбиркорлик субъекти иш бошлади, бир нечта янги корхона ишга тушди, Уроқбойжар, Ваткан-Қўзибек қишлоқларида "Обод қишлоқ" дастурлари асосида, Манғитобод, Сой Ғўс маҳаллалари ва туман марказида ўз ички имкониятимиз ва ҳомилар ёрдами билан ободонлаштириш-бунёдкорлик ишлари бошланди. Бу каби ишларга жойлардаги учрашувлар давомида ўзингиз ҳам гувоҳ бўласиз.

4-саҳифа >>>

Ғолиблар қаторида самарқандликлар бор

Республика фан олимпиадасининг хорижий тиллар бўйича якуний босқичи Самарқанддаги Мирзо Улуғбек номидаги физика-математика фанларига ихтисослаштирилган давлат мактаб-интернатида ташкил этилди.

Фан олимпиадасининг IV-республика босқичида унинг вилоят босқичларида ғолибликни эгаллаган 135 нафар 11-синф ўқувчилари ва академик лицей талабалари хорижий тиллар (инглиз, немис, француз ҳамда тожик тили ва адабиёти фанларидан иштирок этди).

Икки кун давом этган олимпиадада ўқувчилардан ёзма иш ҳамда тест синовлари олинди. Натижаларга кўра, вилоятимиздан немис тили фани бўйича Самарқанд давлат чет тиллар институти қошидаги академик лицей ўқувчиси Ирода Маматмуродова 86,0 балл билан 2-ўринни қўлга киритди.

Бошқа фанлар бўйича олимпиадаларнинг якуний босқичида

вилоятимиздан куйидаги ўқувчилар ғолиб деб топилди:

- Самарқанд шаҳридаги 59-кўзи ожиз болалар учун ихтисослаштирилган махсус мактаб-интернати ўқувчиси Сарвиноз Рўзибоева она тили фанидан 1-ўрин;

- Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти академик лицейи ўқувчиси Севинч Абдумаликова ўзбек тили (Давлат тили) фанидан 1-ўрин;

- Каттақўрғон туманидаги 57-мактаб ўқувчиси Озода Хуррамова тарих фанидан 2-ўрин;

- Тойлоқ туманидаги 19-мактаб ўқувчиси Моҳина Салоҳиддинова ўзбек тили (Давлат тили) фанидан 3-ўрин;

- ИИВ Самарқанд академик лицейи ўқувчиси Отажон Худойшукров тарих фанидан 3-ўринни қўлга киритди.

Олимпиадаларнинг республика босқичида 1-, 2-, 3-ўринларни эгаллаган иштирокчиларга ихтисослик фани бўйича давлат олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларида максимал балл олиш ҳуқуқини берувчи ва уч йил муддат давомида амал қилувчи сертификат тақдим қилинди.

««« Долзарб мавзу »»»»

Мактабнинг асосий вазифаси ўқувчиларга сифатли таълим бериш. Хўш, таълим сифатини оширишга нима нар тўсиқ бўлмоқда? Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиги Зебинисо Шодиева билан бўлган суҳбатимиз мактаб муаммоларига бағишланди.

ЗЕБИНИСО ШОДИЕВА

мактаб таъмирига пул йиғилишига қарши эмас

ФАҚАТ...



- Зебинисо опа, ўқув йили якунланмоқда, виллоятда мактаблар рейтинг кўрсаткичи ошдими?

Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси эса аттестация жараёнини олиб борадиган ва баҳолайдиган ташкилот. Бу йил кимга ёқди ёки кимга ёқмади, бир нар сани тан олишимиз керак, аттестация жараёни шаффоф ўтказилди. Хар бир ўқитувчининг исм-фамилияси электрон базага киритилди. Ўқитувчи ўзи ҳақидаги маълумотни компьютерга киритганидан сўнг саволлар бирин-кетин берилди ва имтиҳон сўнггида тўплаган бали маълум қилинди. Бу жараёнда бировга ёрдам беришнинг имкони йўқ. Лекин ҳа мон одамлар орасида аттестация жараёнлари пул билан ҳал қилинади, деган тушунча бор.

- Нега мана шу натижалар ҳали ҳам эълон қилинмаяпти?

- Чунки аттестация жараёнининг иккинчи босқичи ҳам бор. Иккинчи босқичда ўқитувчи 3 йиллик меҳнат фаолияти ҳақида ҳужжатларини топшириши керак. Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ўқитувчининг фаоли ятини ҳам олган балига қўшади, сўнгра натижасини эълон қилади. Аммо биз инсон омили аралашмасин, деган мақсад да таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясига мана шу иккинчи босқични олиб ташлашни таклиф қилдик. Тест натижасининг ўзи ўқитувчини баҳолаш учун етарли. Бу йил ўқитувчилар ҳам аттестация жараёни адолатли ташкил этилаётганини тушуниб етди.

Шунингдек, ўқитувчига бериладиган сертификат ҳам элек трон тарзда базага киритилади. Сертификатнинг коди ёзилса, кимга тегишли экани чиқади. Аввалгидек, битта қоғоз вари антдаги сертификат билан бир нечта ўқитувчи тоифа олиб, ноқонуний маош олмайдди. Афсуски, айрим жойларда шундай ҳолатлар ҳам кузатилади. Оқибатда ноқонуний тўланган иш ҳақлар аниқланиб, халқ таълими соҳасида "еб кетибди", деган турли гаплар тарқалди. Аслида аттестациядан ўтолмаган ай рим ўқитувчилар сохта сертификат билан маош олиб келгани аниқланди. Энди мана шундай ноқонуний ишлар бўлмайди.

- Ҳамон айрим мактабларда "мактаб фон ди", "синф фонди", дея ота-оналардан пул йиғилаётганини эшитиб қоляпмиз. Ёки байрамларда ўқитувчини табриклаш учун ота-оналар пул йиғиётган жараёнларга гу воҳ бўляпмиз. Мактабдаги пул йиғимларини узил-кесил йўқотишнинг иложи борми?

- Шунга ота-оналар тушуниши керакки, эндиликда таъ лимга жуда катта инвестиция ажратилляпти. Мактабларда бўрдан тортиб, супургиғача давлат сметасига киритилляпти. Беш йил олдин мактаб директори эдим. Унда ҳақиқатдан ҳам бўр, супургини мактаб жамоаси олиб беради. Энди йил бошидан хар бир мактаб сметасига таъмир учун пул ажра тилади. "Мактаб фонди", "синф фонди" деган нарса йўқ. Қарерда бундай ҳолат кузатилаётган бўлса, биз кескин чора кўрляпмиз. Аммо мактаблардаги кузатув кенгаши томонидан хомийлар топил иш мактабда репетиторлик қилиш орқали пул топилш мумкин. Бу қонунда белгиланган. Байрамларда ўқитувчига пул йиғиш ҳолатига келсак, ҳақиқатда ҳам бу ҳолат айрим мактабларда кузатиляди. Биз мингдан ортик мактабни тўлик назорат қилолмаймиз. Ота оналарнинг ўзлари ташаббус билан чиқмаса, совға-салом бериш ҳам ўз-ўзидан йўқоляди.

- Ўқув йили якунида мактаб таъмири маса лади ва унинг атрофида турли миш-мишлар тарқалади. Масалан, ўтган йили айрим мак таблар ўқувчи ва ўқитувчиларнинг ҳисо бидан таъмирланган. Бу йилги таъмирлаш жараёни қандай бўлади?

- Охириги 25 йил ичида давлат бюджетидан мактабга бир тийин пул ажратилмаган, молия бир метр куб ойна олиб бер масди. Исхатиш, том қисмини кўятуринг. Кимларга учрашишин гиз, ялининингиз керак эди. Шунинг учун ҳам бугун мактаб ларда ҳақиқатда аҳвол оғир. Ўзимнинг болам ҳам мактабга боради, бугун мактаб таъмирига ёрдам беришга тайёрман. Фақат бундай йиғимлар мактаб жамоаси, ўқитувчи томонидан эмас, балки кузатув кенгашлари томонидан ташкил этилиши керак. Кузатув кенгашлари сметада мактаб таъмирига қанча пул ажратилгани ва яна қанча маблағ кераклигини ҳисоблаб чиқиб, шунга яраша маҳалла, кенг жамоатчилик билан келиш ган ҳолда хомийлар топса, мақсадга мувофиқ.

Шу ўринда яна бир нарсени айтиб ўтишни хоҳлардим. Ҳозирги кунда виллоятда жами 1257 та мактаб мавжуд бўлиб, уларни замонавий қиёфага келтириш учун 266 тасида янги дан куриш, реконструкция ва мукамал таъмирлаш ишлари ни бажариш зарур. Ушбу мақсадлар учун 1 триллион 482,0 миллиард сўм маблағ талаб этиляди. Бироқ 2021 йил учун курилиш-монтаж ишларига 174,112 миллиард сўм маблағ ажратилган. Бу ўз навбатида, жами эҳтиёжнинг 11,7 фоизини ташкил этади. Ушбу динамика асосида маблағлар ажратилган тақдирда жами эҳтиёжни ўртанча 9 йил давомида бартараф этиш мумкин. Мана шу муаммолар бартараф этилса, таъмир учун йиғдила йиғдилар аста-секин ўз-ўзидан бархам топади.



Хуршида ЭРНАЗАРОВА суҳбатлашди.

Тойлоқлик тиббиётчилар қоғоздан воз кечди

Тойлоқ тумани тиббиёт бирлашмасидаги рақамли технологи ялардан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш мақсадида ташкил этилган онлайн-поликлиника дастури ҳамда туманда курила ётган ижтимоий соҳа объеклари бўйлаб пресс-тур ўтказилди. Вилоят молия бошқармаси, Тойлоқ тумани ҳокимлиги ҳамкорли гига ташкил этилган пресс-турда оммавий ахборот воситалари вакиллари, блогерлар иштирок этди.

ТУМАН ДАРАЖАСИДАГИ ТЕХНОМЕД.UZ ДАСТУРИ ИЛК БОР ТОЙЛОҚДА

Туман тиббиёт бирлашмаси хо димлари мана бир ойдирки, касаллик варақаларини қўлда тўлдиршидан, қалин журналларга беморларнинг касаллик тарихини ёзишдан воз кеч дилар. Гап шундаки, туман тиббиёт бирлашмасида technomed.uz дастури ўрнатилди ва ходимлар шу дастур асосида иш олиб бормоқда. Ушбу рақамли технологиянинг тиббиёт тизимида қандай афзалликлари бор, тиббиёт ходимлари-ю, беморлар учун қандай қулайликларга эга? - Аввало, қоғозбозликча чек қўйил ди, - дейди туман тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Улугбек Сувонов омма вий ахборот воситалари ходимларига дастур қулайликлари ҳақида тушунча бера экан. - Мурожат қилган бемор ларнинг касаллик тарихидан тортиб, уларга қўйиладиган ташхис, тайинла надиган дори-дармонларга - бар часи компьютерга киритилади ва ўша ерда сақланади. Бу дастур шаффоф ликни таъминлаши баробарида корруп циянинг олдини олади, поликлиникада беморларнинг навбатини тўғри таш киллаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Қолаверса, тез тиббий ёрдам чақир тирган бемор ҳақида шифокор унинг уйига борунга қадар зарур маълум отларга эга бўлиши мумкин. Яқин кунларда патронаж ҳамшираларнинг хар бирига планшет тарқатилади ва улар ўз худудида аҳоли ҳақидаги барча маълумотларни унга киритади. Қайси хонадонга қачон кирганлиги, қайси маълумот киритганлигини бирлашма бош шифокори ҳам кўриб тура олади. Ушбу дастур ҳозирча фақат туман тиббиёт бирлашмасида ишляпти. Бунинг учун 130 та компьютер жам ланмаси харид қилинди, интернет тармоғига уландик.

РЕАБИЛИТАЦИЯ МАРКАЗИ ҲОВЛИСИГА НЕГА АРТИШОК ЭКИЛДИ?

Туманнинг Жумабозор маҳалласи худудидаги поликлиника биносининг иккинчи қавати шу пайтга қадар

фойдаланилмай турган, бўш ер май довлари ҳам самарасиз ишлатилган. Яқинда ушбу оилавий поликлиника тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, иккинчи қавати санатория типидеги реаби литация марказига айлантирилди. Марказга 14 турдаги физиотерапия, жисмоний даволаниш машқлари учун 8 та ускуна келтирилган.

Марказ ҳовлисига эса мутасадди лар саъй-ҳаракати билан мамлакатим изда кам учрайдиган бир қатор до ривор ўсимликлар, жумладан, годжи, артишок, оқ қаррак (расторпоша) каби ўсимликлар ўстирилмоқда.

Мазкур маскан Дарғом қанали га яқинлиги ҳамда очик майдониде якингача яқин арча ва бошқа дарахт кўчатлари экилгани учун худудда ўзгача микроклимат юзага келган.

- Келгусида марказни санаторий га айлантириш режада бор, - дейди марказ бўлим бошлиги Фахридин Файзимуродов. - Биринчи июндан бошлаб ишга туширилиши режа лаштирилаётган марказда терапия, неврология, таянч ҳаракати билан боғлиқ касалликлар профилакти каси, даволаниши йўлга қўйилади. Юқориде номлари келтирилган ўсим ликлардан тайёрланадиган дамма ларни беморлар фитобарда татиб кўриш имконига эга бўлишди.

Шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари туманда яқинда реконструкциядан чиққан 1-маданият маркази фаолияти, кури лиши давом этаётган ахборот-ресурс марказини кўздан кечирдилар.

Гулрўх МҰМИНОВА.

АСКУЭ - ЯНГИ ТИЗИМ

Унга қачон тўлиқ ўтамиз?



Вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилишларда аҳоли хонадонларида истеъмол қилинган электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишни автоматлаштирилган тизими - АСКУЭга улаш ишлари султ кетаётганлиги бир неча бор танқид қилинган эди.

Вилоят ҳокими Э.Турдимов электрон ҳисоблагичлар ни ўрнатиш, биллинг тизимига улаш, шунингдек, тўлов интизомни бўйича ишларни жадаллаштириш, дебитор қарздорликни кескин қисқартириш юзасидан соҳа мута саддиларига аниқ вазибалар бериб, ижроси юзасидан доимий назорат ўрнатган.

Айни пайтда виллоят бўйича жами 825 мингдан зиёд истеъмолчидан қарийб 737 мингга яқинига АСКУЭ ҳисоб лагичлари ўрнатилган. Мутахассислар томонидан бир кунда 600 тага яқин, иш бошлангандан буён эса 647 минг дона ҳисоблагич биллинг тизимига уландган. Асли да жорий йилнинг февраль ойида якунланиши кутилган мазкур ишлар ҳануз давом этмоқда.

Янги ҳисоблагичларни ўрнатиш ишлари режада белги лангандан ортда қолаётганига сабаб, уларнинг ўз вақти да этиб келмаётганлиги билан боғлиқ, - дейди «Худудий электр тармоқлари» Самарқанд виллояти филиали бўлим бошлиги Аминжон Шарифов. - Ҳозирда мазкур ускуналар ни ўз вақтида етказиб бериш йўлга қўйилди. Аҳоли хона донларига 697 мингга, юридик субъектларга эса қарийб 40 мингга яқин турли фазадаги ҳисоблагичлар ўрнатилди. 4700 та ускуна ярқосиз эканлиги аниқланиб, ишлаб чиқа рувчи қорхонага қайтариб юборилди.

Жомбой тумани электр тармоқлари қорхонаси му тахассислари томонидан режа бўйича тумандаги 35 мингдан зиёд истеъмолчига турли фазадаги замонавий ҳисоблагичлар бепул ўрнатилиши керак. Ҳозирда бу вази фа 80 фоизга бажарилган.

Янги ҳисоблагичларни ўрнатиш ишларини жорий йилнинг февраль ойида якунлашимиз керак эди, - дейди қорхона бошлиғи ўринбосари Қомилжон Утанов. - Бир рок турли сабаблар билан ҳисоблагичлар ўз вақтида ўрнатилмай қолди. Ҳозирда омборхонамизда 790 та ҳисоблагич бор. Бир кунда 200га яқин хонадонга электр ҳисоблагичларни ўрнатиб, уларнинг 50 фоизини биллинг тизимига уландмоқда. Бунинг учун 30 нафарга яқин ходимлар жалб этилган. Агар ҳисоблагичлар ўз вақтида етказиб берилса, уларни ўрнатиш ишларини август ойи га якунлаймиз.

Ҳозирда туманда 8 500 га яқин истеъмолчига ҳисоб лагич ўрнатилмаган. Жумладан, Қўрғонсолмон, Эски Жомбой, Найман маҳаллаларидаги аҳоли хонадонлари нинг 75 фоизига ўрнатилган бўлса, Қудуқчи, Қорамўйин, Саркипчок, Полвонарик каби маҳаллаларда ҳали бу ишга қўл урилмаган.

Қорхонанинг АСКУЭ сектори гуруҳ раҳбари Анвар Пўлатов билан Қангли, Қўлбети ҳамда Олмазор маҳал ларига бўлиб, Самарқанд шаҳар электр тармоқлари қорхонасида аҳоли хонадонларига ҳисоблагич ўрна тишда кўмакка келган беш нафар мутахассис ишини кузатдик.

- Ҳозиргача тўртта хонадонга кириб, электр ҳисобла гичларини янғисига алмаштирдим, - дейди Самарқанд шаҳар электр тармоқлари қорхонаси мутахассиси Ғолиб Шерматов. - Гуруҳимиз билан 24 дона ўрнатдик. Бундан ҳам кўп бўлиши мумкин эди. Бироқ айрим ховлиларнинг эгаси йўқлиги ёки бошқа сабаблар билан ортикча вақт йўқотяпмиз. Янги қўйилган ҳисоблагичларнинг барчаси ни кечгача биллинг тизимига улашга ҳаракат қилляпмиз. Яна бир гап. 2020 йил январь ойидаги ҳисоб-китоб ларга кўра туман аҳолисининг электр энергиясидан 20 миллиард 518 миллион сўм қарзи бўлган. Бир йил ичи да бор-йўғи 1 миллиард сўмга яқин тўлов ундириб олинган. Қарзларни ундириш ишлари султ кетмоқда. Жумладан, сутни қайта ишловчи "MILKVILLE" МЧЖ қўшма қорхонаси (387 миллион сўм), «Сув таъминот» МЧЖ туман бўли ми (107 миллион сўм) каби ўнга яқин қорхоналарда йирик қарзлар мавжуд. Туман электр тармоқлари қорхонаси уларнинг айримларидан қарзларни суд орқали ундириш га ҳаракат қилмоқда.

Жомбой туманида янги тизимни ишга тушириш пайсалга солинавверса, қарздорликлар ҳақида аниқ маълумотларга эга бўлмай, уларни ундиришда турли қийинчиликларга дуч келинавверди. Бу эса ортикча вақт йўқотишга, берилган топшириқларнинг ўз вақтида бажарилмай қолишига олиб келади. Соҳа мутахассислари бунга эътибор қаратишса, яхши бўларди.

Дилмурод ТўХТАЕВ.

Қизлар ҳокимликка интилса...

Хўш, аёл киши бирор худудга ҳоким этиб тайинланиши учун қан дай фазилатларга эга бўлмоғи керак?



Зеро, бугунги кунда ўқувчи, та лаба қизларимиз орасида ҳам аъло чилар, жамоат ишларида фаоллиги билан ажралиб тураётганлар, таш килотчи-ижодкорлар, тадбиркорлар, юксак доволлар сари интилаёт ганлар, эл назарига тушаётганлар жуда кўп. Демак, ана шундай до но, файратли, билимли, ишчан қизлари миз орасидан раҳбарлар, ҳокимлар етишиб чиқишига шубҳа йўқ.

...Яқинда Каттақўрғон шаҳар драма театрида юқоридеги мавзуда саҳна лаштирилган адабий-музыкали театр лаштирилган томошанинг кенг жамоат

чилик кўриги бўлиб ўтди. Шуниси эътиборлики, томошадаги қирққа яқин турли йўналишдаги роҳларни шаҳар даги 5-умумтаълим мактаби қошида ўқитувчи ва ўқувчилардан таркиб топган ҳаваскорлик драма студияси қатнашчилари ижро этди.

5-умумтаълим мактаби раҳбари Машура Ҳайдарова томоша ижод корлари, жумладан, дастур муалли фи, режиссёр Одилжон Бозоровга миннатдорчилик изҳор этди.

Мазкур халқчил томошани бир қатор маҳаллаларда ва Ингичка кўрғониде ҳам намойиш этиш режа лаштирилди.

Абдуазиз ҲОШИМОВ.

Бугун мактабга таълим тизимидаги қонунбузилиш ҳолатларини кўриб, эшитиб, ногоҳ ушбу саволлар кўнгилдан ўтади. Ўрганишлар шунинг кўрсатадики, боғчаларда болаларнинг ҳақиқа хийнат қилиши, йўлланмаси тарбияланувчиларни қабул қилиш, бюджет маблағларини ўзлаштириш каби ҳолатлар кўп учрамоқда.

Болалар ҳақидан қўрқмайсизми?

Маълумотларга кўра, 2021 йилнинг 3 ойида вилоят мактабга таълим тизимида фаолият юритаётган 51 нафар мансабдор ва масъул ходимлар содир этган жиноятлари учун жиноий жавобгарликка тортилган. Уларнинг 29 нафари бюджет маблағларини ўзлаштирган, 5 нафари фирибгарлик қилган, 3 нафари пора олган, 1 нафари мансабига совуққонлик билан қараган. 2020 йилда вилоят бўйича 154 нафар давлат мактабга таълим ташкилоти раҳбарларига интизомий жазо чораси қўлланилган.

Вилоят ҳокимлиги, вилоят прокуратураси, бандлик, маҳалла ва оилани қўллаб-қувват-

лаш ҳамда мактабга таълим бошқармалари ҳамкорликда ўтказилган таҳлилий ўрганишлар давомида Жомбой туманида инвестиция дастури асосида реконструкция қилиниб, ишга тушиш арасида турган боғчага кадрларни саралаш ва танлашда боғча мудири коррумпцион ҳолатга йўл қўйган. Боғча раҳбари болаларга сифатли таълим-тарбия берадиган, маълумотли педагог кадрларни эмас, аксинча, айтган пулини бера оладиган ходимларни танлаган.

Самарқанд шахридаги боғчалардан биридаги ҳолат бундан да аянчли. Боғча мудири ходимни ишга қабул қилиб,



лекин ҳали вакант жой йўқлигини айтиб, ходимнинг ойлик маошини унга бермай ўзлаштирган. Амалда ишламаган ходимларга ҳам иш ҳақи ҳисоблаб, бюджет маблағларини талон-торож қилган. Эътиборлиси, мазкур боғчанинг олдинги мудири ҳам ноқонуний фаолияти туфайли жиноий жавобгарликка тортилган эди. Кейин танланган мудири бундан ҳулоса қилиш ўрнига, шундай ҳолатга йўл қўйди.

Йўлланмаси болаларни қабул қилаётган ҳолатлар ҳам аксарият боғчаларда учрайди. Уларнинг бадал пули мудиранинг ҳамёнига тушади. Рўйхатда бўлмаган бола ўз-ўзидан

бошқа тарбияланувчиларнинг нонига шерик. Вилоят мактабга таълим бошқармаси бу каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида семинарлар ташкил этипти. Сектор раҳбарлари томонидан боғчалардаги камчиликлар ўрганилмоқда. Мактабга таълим бўлимлари томонидан "Биз болалар ҳақиқа хийнат қилмаймиз!" деб мурожаатномалар қабул қилинди. Кузатганимиз биргина Каттақўрғон туманидаги боғча раҳбарлари "Боланинг ҳақиқа хийнат қилмайман" дея ўз хоҳиши билан лавозимидан озод этилди. Яна бир боғчанинг хўжалик ишлари мудири ҳам шу йўлни тутди. Мақсадимиз бошқа туманларда ҳам мудиранларни ҳушёрликка, касбига масъулият билан ёндашишга чорлаш. Аслида ҳаётда энг ёмон хийнат боланинг ҳақиқа хийнатидир. Унинг уволи ёмонлигини вақтида англамоқ эса жасорат.

"Давлат боғчаси - шахсий мулким", деган ғайри оdatий қарашларга, ота-оналардан ноқонуний пул йиғимлари, қариндош-уруғ-чилик ва таниш-билишчилик (битта боғчада синглиси, опаси, ҳоласи, ҳаттоки, турмуш ўртоғи ва ҳ.к.лар ишлаши) ҳолатларига барҳам бериш вақти келди.

Вилоят мактабга таълим бошқармаси ахборот хизмати.

Муҳаммад НАРЗУЛЛАЕВ

Бешафқат ўлим тажрибали ҳисобчи, ташкилотчи раҳбар, фаол жамоатчи Муҳаммад Нарзуллаевни орамиздан олиб кетди.

М.Нарзуллаев 1934 йилда Пахтачи туманидаги Қўзибоқар қишлоғи (ҳозирги Сарой маҳалласи)да таваллуд топди. Ўрта мактабда ўқиш билан бирга хўжаликда ҳисобчи бўлиб ишлади. Кейинчалик Тошкент халқ хўжалиги институтига ўқишга кириб, олийгоҳни имтиёзли диплом билан битирди. Иш фаолиятини ўзи туғилиб ўсган хўжаликда хисобчиликдан бошлади. Хўжаликда тажриба ортирган мутахассис бир муддат Нарпай тумани молия бўлимига бошчилик қилди, сўнг 40 йил жамоа хўжалиги бош ҳисобчиси ҳамда Пахтачи тумани «Ўзселхозтехника» биришласида бош ҳисобчи вазифасларида меҳнат қилди.



Хисобчилар сардори сифатида туман жамоат ишлари, ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этди. Унинг ташаббускорлиги ва ташкилотчилигида қўллаб хайрли ишлар амалга оширилди. Ушбу фаоллиги учун раҳбариятнинг фахрий ёрликлари ва раҳматномалари сохиби бўлди.

Хисобчи бўлишига қарамасдан, М.Нарзуллаев ҳар доим матбуот билан ошно эди. У ўз соҳасининг долзарб масалалари, ёшлар тарбиясига оид мавзуларда "Пахтачи" ва «Зарафшон» газеталарида ўнлаб мақолалар чоп эттирди.

Отаҳон пенсияга чиққач, ўзи яшаётган Сарой маҳалласи фаолларидан бирига айланди. У кишининг саъй-ҳаракатлари билан қишлоқдаги сув қурувлари алмаштирилди, қабристонга ер ажратилиб ободонлаштирилди.

Содиқ дўст, жонқуяр раҳбар ва меҳрибон оила бошлиғи Муҳаммад Нарзуллаевнинг порлоқ хотираси қалбимизда абадий яшайди.

Пахтачи тумани ҳокимлиги.

Қишлоқ хўжалиги майдонларидаги ноқонуний қурилмаларни буздирish тартиби қандай? Ҳозиргача ҳолат билан боғлиқ ижро ҳужжатлари бўйича қандай ишлар амалга оширилди? Ноқонуний қурилган уй-жойда аҳоли яшаётган бўлса, бино бузилмайдими? Бу - бизга энг кўп берилаётган саволлар.

Бир йилда 199 гектар майдондаги ноқонуний уй-жойлар бузилди

Бошқармаимизнинг ҳудудий бўлимлари иш юритишига 2020 йил ва 2021 йилнинг ўтган даврида ушбу тоифадаги 4598 та ижро ҳужжати келиб тушган. Улар бўйича жами 815,16 гектар ер майдонида қурилган қурилмаларни буздирish юзасидан ижро тадбирлари амалга оширилган. Ижро ҳужжатларида кўрсатилган, ноқонуний қурилган 3949 та уй-жойда аҳоли мунтазам яшаб келаётганлиги маълум бўлди. Шундан 3107 та уй-жой маҳалла таркибига, массив шаклида ноқонуний қурилган, 837 та уй-жой эса маҳалла четларида қурилган. Ўтказилган тадбирлар давомида 65 та ноқонуний қурилган уй-жойга маҳаллий ҳокимликлар томони-

ларни, 115 таси пойдевор қисми ёки бошланғич қурилиш қилинган қурилмаларни ташкил қилади.

2020 йил ва жорий йил 30 апрелгача ушбу қурилишлар бўйича 646 та ижро ҳужжатлари ижро қилинган. 199,35 гектар ер майдонида қурилган ноқонуний қурилмалар бузилиб, ер майдони ҳокимият захирасига қайтарилган.

Шу билан бирга, кўрсатилган даврда аҳоли яшамаётган 532 та ноқонуний қурилмалар мажбурий тартибда буздирилди.

Мисол учун, фуқаролик ишлари бўйича Жомбой туманлараро судининг 2020 йил 2 мартдаги қарорига кўра, қарздор А.П. томонидан 0.08 гектарда ноқонуний қурилган уй-жой бинолари МИБ Жомбой ту-

Деҳқон хўжалигида чорва моллари боқиш мумкин(ми?)

"Деҳқон хўжалиги тўғрисида"ги 2021 йил 1 апрелдаги қонунга кўра, деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган ер участкасидан деҳқон хўжалигининг ихтисослашуви асосида факат қишлоқ хўжалиги махсулотларини етиштириш учун фойдаланилади. Деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган ер участкасидан бир вақтнинг ўзида деҳқон хўжалигининг ихтисослашувида

назарда тутилган бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини деҳқон хўжалигининг ихтисослашуви мақсадида ассосий экинларни экиш ёки ассосий ва бошқа экинларни навбатлаб экиш йўли билан етиштириш учун ҳам фойдаланиш мумкин.

Деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган ерда бино-иншоотлар, ерости иншоотларини қуриш таъқиқланади, энгил конструкция-

ли иссиқхоналар ва бошқа иморатлар, шунингдек, суғориш иншоотларини қуриш бундан мустасно.

Деҳқон хўжалигида махсулот етиштириш билан бирга шартли 10 бошгача чорва мол боқиш мумкин. Тасарруфдаги майдонни муҳофаза қилиш, ернинг махсулдорлигини сақлаш ва ошириш шарт.



Қишлоқ хўжалик соҳасида статистик маълумотлар базаси кенгайтирилади

Қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказишга тайёргарлик кўриш ва уни амалга ошириш учун иштирокчилар картография материаллар билан таъминланади. Бу Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 26 февралдаги "Қишлоқ хўжалиги соҳасида статистик маълум-

отлар базасини кенгайтириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарориди белгиланган.

Унга кўра, аҳоли пунктлари, кўчалар номлари, уй ва хонадон рақамларининг мавжудлиги ҳамда фуқаролар йиғинларида мавжуд деҳқон хўжаликлари сонига аниқлик киритилади.

2022-2026 йилларда маҳаллий бюджетлар параметрларини шакллантириш бўйича қарорда кўзда тутилган қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказишни ташкил этиш ва амалга ошириш, яқуний маълумотларни таҳлил қилиш ва эълон қилиш тадбирларини молиялаштириш учун маблағ ажратилиб белгиланган.

Маъмурий эмас, жиноий жазо қўлланилади

Мактабда ўқувчиларни мактабни жорий таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларига жалб қилиш мумкинми? Бунинг учун қонунчиликда жавобгарлик белгиланганми? - Йўқ, мумкин эмас. Шу пайтгача мактаб ўқувчиларини, яъни воёга етмаганларни мажбурий меҳнатга жалб қилганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланган эди. 2021 йил 12 февралда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланган «Ўзбекистон Республикасининг Жи-

ноят, Жиноят процессуал кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги УРҚ-673-сонли Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди. Унга асосан, воёга етмаганларни мажбурий меҳнатга жалб қилганлик учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 1482-моддаси иккинчи қисмига асосан жиноий

жавобгарлик белгиланди. Энди бундай жиноий қилмиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз эллик бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланиши белгиланди.

Саволга ҳуқуқшунос У.КАРИЛОВ жавоб берди.



дан ер участкасига эгаллик ҳуқуқи берилган. 1774 та ноқонуний уй-жойда яшовчи фуқаролар билан шартномалар тузилган ҳолда уларга электр энергияси ўтказиб берилган. 629 та ноқонуний қурилмада аҳоли яшамайди. Уларнинг 232 таси тўлиқ қуриб битказилган, уй-жойнинг 282 тасини қурилиши тугалланмаган уй-жой-

мани бўлими томонидан бузилиши таъминланди. Каттақўрғон тумани Муллатоғай маҳалласида жавобгар М.А. томонидан ноқонуний қурилган қурилиш ихтиёрий муддатда жавобгар томонидан бузилди.

Махсуд МАМАСОЛИЕВ, Мажбурий ижро бюроси вилоят бошқармаси бўлим инспектори.

билан меросхўрларнинг Исакулова Нигора Турдикуловна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.
Манзил: Самарқанд шаҳри Абу Райҳон Беруний кўчаси, 12-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Саидова Зарина Хисравовна нотариал идорасида марҳум Муҳамедов Акбутата (2018 йил 7 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Саидова Зарина Хисравовна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абдурахмон Жомий кўчаси, 64-уй.

Паст Дарғом туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ҳакимова Игора Ҳикматовна нотариал идорасида марҳум Тагнабердиева Ойнаойга (2016 йил

25 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ҳакимова Игора Ҳикматовна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.
Манзил: Паст Дарғом тумани Жума шаҳарчаси, Нодирбаегим кўчаси.

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Азизов Джаҳонгир Илхомович нотариал идорасида марҳум Хошимова Зулайхога (1993 йил 31 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Азизов Джаҳонгир Илхомович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Жомбой тумани А.Қурбанов маҳалласи, Сарой кўчаси.

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Маматқулов

Отабек Болбекович нотариал идорасида марҳум Ойдинов Болтош Шириновичга (2020 йил 6 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Жомбой тумани Сарой кўчаси, 15-уй.

Ургут туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Набиева Наргиза Қахрамоновна нотариал идорасида марҳум Шерматов Шавкат Бегимовичга (2020 йил 19 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Набиева Наргиза Қахрамоновна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.
Манзил: Ургут шаҳарчаси Навойй шохкўчаси.

Отабек Болбекович нотариал идорасида марҳум Ойдинов Болтош Шириновичга (2020 йил 6 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Ургут шаҳарчаси Навойй шохкўчаси.

Самарқанд автомобил ва йўллар касб-хунар коллежидан 2016 йилда Баракаев Шахзод Аскаржон ўқий номига берилган, рўйхат рақами 300, К № 4256664 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд энгил саноат касб-хунар коллежидан 2001 йилда Ибрагимов Алиризо Мухаматович номига берилган рўйхат рақами 1238, КНТ № 236862 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ургут тумани халқ таълими бўлимига қарашли 71-умумий ўрта таълим мактабининг (СТИР: 208699905) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Па й а р и қ туманидаги «ELEKTRONIK BIOS» масъулияти чекланган жамиятининг (СТИР: 305501203) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги Боғи Темуր маҳалласи аҳли профессор Шавкат Шириновга опаси **Марҳабо ШИРИНОВА**нинг вафоти муносабати билан таъзия изхор этади.

Марҳабо ШИРИНОВА

Халқ таълими жонқуяри, моҳир педагог, ёшлар мураббийи, фаол жамоатчи Марҳабо Ширинова 70 ёшида вафот этди.

М.Ширинова 1951 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган. 1968 йилда шаҳардаги 39-ўрта мактабни тамомлади. У юқори синфларда ўқиб юрганидаёқ ҳаёт йўлини белгилаб олиб, ўқитувчи бўлишга аҳд қилган. Ушбу орзу, шунингдек, рус тили ва адабиётига ҳавас уни СамДУнинг рус филологияси факультетига етаклади. Зукко устозлардан фан сирларини ўрганиб, ёш авлодга таълим-тарбия бериш усулларини ўзлаштирди. Университетни аъло баҳолар билан битирган ёш ўқитувчи ўзи таҳсил олган мактабга қайтиди. Ўқувчиларга таълим бериш ишларининг илк кунларидаёқ билимдон устоз, меҳрибон дўст сифатида обрў-эътибор қозонди. Фанни ўқитишнинг янги усуллари билан дарсларга ҳўшқин руҳ бағишлади. У ўқувчиларни нафақат сўз билан, балки уларнинг ҳар бирига алоҳида ёндашиши, руҳиятига таъсир кўрсатиши, инсоний сифатлари ва шахсий ибратини тарбияладди. Муаллима бутун умрини мактаб ва ўқувчиларга, таълим-тарбияни юқори даражада ташкил этишга бағишлади. Самарқанд шаҳридаги Боғишаол тумани воёга етмаган болалар билан ишлаш комиссияси котиби сифатида шарафли ва масъулиятли вазифани жамоат ишлари билан қўшиб олиб борди.

Марҳабо Ширинованинги ёрқин хотираси яқинлари, ҳамкасблари ва уни билган, таниган кишилар қалбидан бир умр сақланиб қолади.

Самарқанд шаҳар, Боғи Темуր маҳалласи жамоатчилиги.



ИСТИҚЛОЛ НУРИДАН МУНАВВАР УРГУТ!

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

– Сафаримизнинг зиёратдан бошлангани жуда хайрли иш бўлди, – дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, таниқли адиб Маматқул Ҳазратқулов. – Икки қадамжо ҳам бугун ургутликлар

ўринбосари Гофир Ҳамроев юртимизда бугунги кунда ёшлар таълим-тарбиясига қаратилган эътибор, давлат томонидан кўрсатилаётган ғамхўрлик ҳақида сўз юритди.

– Бугун тилимизда “Учинчи ренессанс” деган сўз кўп такрорланмоқда, – деди А.Кўчимов. – Яхши биламиз, “ренессанс” сўзи “уйғониш,

тараққиёт, ривожланиш” каби маъноларни ифода қилади. Биринчи ва иккинчи ренессанс кимлар номи билан боғлиқлиги ҳам барчамизга яхши маълум. Айни пайтда юртимизда барча соҳаларда – у иқтисод бўладими, сиёсат ёки маънавиятми, қишлоқ хўжалиги ёки таълим, тиббиёт, туризм ва яна бошқа йўналишларда амалга оширилаётган ислохотлар, оламшумул, тарихий ўзгариш ва янгиланишлар

Учинчи ренессанс даври пойдевори сифатида баҳоланмоқда. Бу ишни эса хурматли Президентимиз бошчилигида сиз-у биз, шу муқаддас ва азиз Ватанимизнинг жонқуяр, меҳнатқаш, бунёдкор ҳалқи амалга оширади. Айниқса, зукко ва юксак интеллектуал салоҳиятли ёшларимиздан умидимиз катта. Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари сиз, азиз йигит-қизларимизнинг яхши таълим-тарбия олишингиз, замонавий фанларни, чет тилларни пухта ўрганишингизни, тадбиркор, ишбилармон бўлишингизни истаяпти, бунга имконият яратиб бермоқда. Бу имкониятни англаб, вақтнинг қадри-

истеъодли ёшлар ўзлари ёзган шеърларидан ўқиди, бир қатор ташаббус ва ғояларини билдирди.

Деҳқонobod маҳалласида аҳоли ва ёшлар вакиллари билан учрашувда ҳам 37-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчилари фаол бўлди. Тошкентдан келган ижодкорларнинг сўзларидан сўнг, улар шу мактабда тахсил олган ва яқинда таваллудининг 70 йиллигини нишонлаган қишлоқдошлари – Абдусайд Кўчимовни табриклаб, унинг шеърларидан намуналар ўқидилар, шоир шеърлари билан айтиладиган кўшиқлар ижро этилди.

– Биз мактабимиздан, қишлоғимиздан Абдусайд ака сингари инсонлар етишиб чиққанидан фахрланамиз, – деди мактаб ўқувчиси Ойбека Ёқубова. – Шу билан бирга уларга муносиб бўлишга ҳаракат қиламиз. Мактабимизда ижодкор ёшлар тўғрисида ташкил этилган. Унда йигирмадан зиёд тенгдошларимиз аъзо бўлган. Тўғрақ машгулларида ўзимиз ёзган шеърлар, ҳикоя ва мақолаларни устозларимиз билан бирга муҳокама қиламиз. Бугунги учрашувдан ҳам кўп нарса ўргандик, таниқли шоирлар, журналистларнинг маслаҳатларини олдик.

ҚОРАТЕПАДА АДИБ МУЗЕЙИ ОЧИЛДИ

Қоратепа маҳалласи аҳли, ижодкор ёшлар билан учрашув 41-умумий ўрта таълим мактабида шу қишлоқда камолга етган таниқли адиб, қалами ўткир журналист сифатида танилган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Асад Дилмурод хотира музейи ва кутубхонасининг очилиши билан бошланди.

Ижодкорнинг дўстлари ва шогирдлари, ўқитувчилар ва олимлар, маҳалла аҳли музейдан ўрин олган тарихий суратлар, китоблар ва бошқа ашёларни кўздан кечириб, Асад Дилмурод ҳақидаги ўз хотираларини билдирди.

– Ургутдай сўлим, баҳаво маскан кўплаб истеъодларга бешик бўлганини яхши биламиз, – деди тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчаси раисининг биринчи ўринбосари Нодир Жонузоқ. – Асад ака ана шундай ижодкорлардан бири, қалами ўткир журналист, тарихий асарларни маромига етказиб ёзадиган ёзувчи

эди. Мен у киши билан бирга ишламаганман, лекин кўп суҳбатларини олганман, ижодий мактаблари билан яхши танишман. Ижодкор сифатида ҳам, шу юрт фарзанди сифатида ҳам Ватанимиз ва халқимизга, унинг ўтмишига эътибори, меҳр-муҳаббати бошқача эди, бу борада ёш ижодкорларга ибрат эди. Мактабда адиб музейининг очилиши Қоратепадан Асад Дилмурод сингари яна кўплаб ижодкорлар етишиб чиқишига, ўқувчиларнинг ўз улуғларидан фахрланиб, уларга муносиб бўлишга интилишларини рағбатлантиришга хизмат қилади, албатта.



Учрашувда Ўзбекистон халқ ҳофиси Абдунаби Иброҳимов томонидан мумтоз кўшиқлар ижро этилди.

Айни пайтда улкан қурилиш майдонида айланиб, обод бўлаётган Манғитобод маҳалласи аҳолиси, нурунийлар ва ёшлар билан учрашувда ёзувчи Маматқул Ҳазратқулов, “Жамият” ва “Оила даврасида” газеталари бош муҳаррирлари Мақсуд Жониҳонов, Хусниддин Бердиев ва бошқалар мамлакатимизда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари асосида юртимизнинг олис ва чекка ҳудудлари ҳам обод этилиб, аҳоли учун муносиб турмуш шароити яратилаётганини алоҳида таъкидладилар. Бу сазой-ҳаракатлар Манғитобод маҳалласи мисолида таҳлил этилди.

Самимий ва юзма-юз мулоқот тарзида ўтган учрашувда ёшлар таълим-тарбияси ва келажаги, оилалардаги маънавий муҳит, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларни қўллаб-қувватлаш, хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилиш, кексаларга хурмат каби масалалар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди. Ватанини, истиқлолни улуғловчи шеър ва кўшиқлар ижро этилди.

Учрашувлардан сўнг ижодкорлар яқинда фойдаланишга топширилган “Ургут” марказий жоме масжиди ва тумандаги бир қатор ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти билан танишди.

Ғолиб ҲАСАНОВ, Жаббор НАБИЕВ олган суратлар.

фахрланадиган маскан, эзгу ишларни шу жойларга келиб, яхши ният ва дуолар қилиб бошланиш аънағана айлантиришган. Яхши биламиз, давлатимиз раҳбари Самарқанд вилоятига раҳбарлик чоғида вилоятдаги кўп табаррук жойлар қаторида Ургутдаги Ғавсул Аъзам, Чор чинор зиёратгоҳларини обод қилишга бош бўлган, кўп хайрли ишларни амалга оширган. Бугун бу масканларни зиёрат қилиб, эзгу ишлар давом этаётганига гувоҳ бўлдик, руҳимиз энгил тортиб, қувват олди. Ургутлик ижодкорлар орасида шу пайтгача ягона бўлган Ўзбекистон халқ шоири Барот Бойқобилов хотирасига юксак хурмат-эҳтиром кўрсатилиб, “Хамса боғи” яратилгани ва бу ерда шоирнинг музейи, кутубхонаси ташкил этилгани юртимизда ижод аҳлига бўлган эътиборнинг яна бир ёрқин ифодасидир. Барот ака ғурури баланд, жуда билимдон, ўзбек адабиётининг жонқуяр вакили эди. Айниқса, Алишер Навоий ижодий меросига қизиқиши, ихлоси баландлиги боис беш достондан иборат “Янги хамса” ва “Ўзбекнома” шеър романини яратди.

МАКТАБЛАРДА ИЖОДКОРЛАР КЎПАЙМОҚДА

Ўс маҳалласидаги 153-умумий ўрта таълим мактабда ўтказилган учрашувда Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги бош директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи Абдусайд Кўчимов, Тошкент давлат молия институти профессори Нишонбой Ҳусанов, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бош директори ўринбосари Рустам Жабборов, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ўзбек тилини ривожлантириш жағфармаси директори



га етиб, ҳар бир кундан, ҳар бир лаҳзадан унумли фойдаланишингиз керак.

Учрашувда ижодкорлар ўз асарларидан намуналар ўқиб берди. Ўқувчиларни мушоирага, ўз тақлиф ва истакларини баён этишга чорлади. Бундан руҳланган

«Зарафшон» газетасининг 2021 йил 25 май, 61-сонидан Муродим Умирзоқовнинг «Қалб кўзгуси» номли мақоласи чоп қилинди. Ўқиб қикдим. Чугун ўйга толдирди. Хуллас, қалбнинг кўзи бор, деган хулосага келдим. Унда «Қалбини поклай олган ва яратганнинг ана шу илоҳий кўзгусига эга бўла олган одам хушёр, сергак бўлиб қолади, бахтли, хотиржам, соғлом, фаровон, баракали умр кечиради», дейилган. Муаллифга ғойибона ташаккурларимни айтдим.

Қалб кўзи бор экан

Ҳақиқатда инсоннинг қалб кўзи яхши кўра олсагина, у сергак бўлиши тайин, ўзини хотиржам ҳис қилади, бундайлар соғлом бўлади, ўзини фаровон сезади (фаровонлик дунёси кўплиги билан белгиланмайди, балки қаноат ва шукроналик ҳисси зиёда бўлса етарли). Бундайлар бахтли инсонлардир ва буларнинг ҳаммаси узоқ баракали умр кечириши учун асосдир.

Бир кунги бир даврада кўзи ожиз бир хонанда билан ўтириб қолдик. У киши “Хаёт нақадар гўзал, атрофга қаранг, қандай ажойиб”, деган иборани бот-бот ишлатарди. Кўзи ожиз бўлса, атрофни кўрмаса, гўзалликни қандай тасаввур қилади, деган савол мени қийнади. Узоқ суҳбат давомида англадимки, у киши ҳаётни қалб кўзи билан кўради ва ҳис қилар экан.

Ҳаётимда одамларни кузатиб шундай хулосага келдим: бир тоифа одамлар кўзи очик кўр бўлади. Буларнинг нафси ғолиб, фақат молу-дунёни кўради, шуни ҳаёт, бойлик деб тушуна-

ди. Бундайлар кўзи кўриб турган ҳаётнинг гўзаллигини ҳис қилмас экан. Иккинчиси, кўзи очик, қалби пок инсонлар ҳам бўлар, улар ҳаётнинг гўзаллигини кўзи билан ҳам, қалби билан ҳам кўради ва улардан завқланиб яшар экан. Учинчи тоифадаги одамлар кўзи ожиз, аммо қалби пок, дунёни қалб кўзи билан кўрадиган инсонлар. Булар дунёнинг гўзаллигини қалби билан кўради ва ҳис қилади. Кўзи очик одамларнинг кўзида парда бўлиши мумкин. Бундайлар ҳаётнинг ҳақиқий гўзалликларини тиник кўра олмайди. Агар инсон қалбда ҳам парда бўлса, у покиза бўлмаса, ҳаётнинг гўзалликларини қалб кўзи билан яхши кўра олмайди ва гўзалликни тўлиқ идрок қилиши ҳам қийин. Ҳаётнинг ҳақиқий гўзаллигини кўз билан кўрадиган, қалб билан ҳис қиладиган саодат ҳаммага насиб қилишини тилайман.

Маманонус ПАРДАЕВ, СамИСИ профессори.

Хатлардан сатрлар

Ёшлигимдан шеърятга қизиқман. Қишлоғимнинг бетақдор табиати, қир-адирлар, кенгликлар менга илҳом беради. Шеърларимнинг биринчи тингловчиси онажоним. Аммо одам ўз устида ишлаши, бошқа ижодкорларни ҳам эшитиши керак экан. Кўшработ туманидаги “Дилмунчоқ” тўғриси мен каби язлаб ижодкор ёшларни бир жойга жамлаган маскандир. Биз шеърят ихлосмандлари биргалиқда ижод қиламиз, фикр алмашамиз, бир-биримизнинг ижодимиздан тўлқинланамиз, шу билан бирга, маҳоратли устозлардан сабоқ оламиз.

Шаҳзода Мансурова, Кўшработ тумани Кўкбулоқ қишлоғи.

Ойни этак билан ёпиб бўлмайди. Ҳаётда шундай инсонлар борки, жамиятга фойдаси тегиши ўрнига бошқаларнинг дилини хуфтон қилади. Гап маҳалла чойхоналарида, гузарларда тўрт-беш бекорчи эркакларнинг йиғилиб, маст ҳолда бемаъни сўзлари билан ўзганинг гашига тегишида. Уларни тартибга чақирмоқчи бўлган маҳалла фаолларининг ганини ўқмайди. Бепарволарча, ўз билганидан қолмайди. Наҳотки, улар умр аталмиш бебаҳо неъматни беҳуда сарф қилаётганини, савоб ишлар қилиш ўрнига ўзгалар қалбини ранжитаётганини билмаса...

Турди Турсунов, Пайариқ тумани.

Фарзанд тарбияси ота-онанинг энг масъулиятли вазифаларидан бири. Гоҳо биз фарзандимизни авайлаб, унинг хоҳишларини бажариб, тарбиясида хатоликка йўл қўямиз. Улғайгач эса, ундаги баъзи иллатларни кўриб, қаерда адашганимизни билмаймиз. Болани олти-етти ёшгача эрқалатиш билан бирга, иқтидорини, тил-талаффузини, саломатлигини, феъл-атворини тарбиялаш лозим. Шунда ундаги қусурлар бартараф этилади.


Қаҳрамон Намозов, Иштихон тумани.

“Mirni uqding – Haqqa yetding”

Яқинда таниқли навоийшунос оlima Дилором Салоҳийнинг Тошкент шаҳридаги “Тафаккур томчилари” нашриётида “Mirni uqding – Haqqa yetding” китоби чоп этилди.

Китобда буюк сўз санъаткори Алишер Навоий бой лирик меросининг мавзу кўлами, насрий баёни ва ғоявий-бадий хусусиятлари ҳақида маълумот берилган. Навоий фалсафий-маърифий дунёқарашининг ғазалиётда қай тарихи акс этганлиги ҳақидаги фикр ва мулоҳазалар шарҳ услубида кичик мақолаларда ифода этилган.

Буюк шоир поэтик маҳорати қирралари, ғазалиётда мавзу, шакл ва бадий образ тақомили кўринишлари каби масалалар хусусида ҳам мулоҳазалар берилган. Ушбу китоб мутахассис олимлар, талабалар ва китобхонлар учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади.



“Узумчиликда миришкор соҳибкорларнинг илғор тажрибалари”

Узумчилик мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг сердаромад тармоқларидан бири ҳисобланади. Қўлай табиий иқлим шароити бу ерда эрта ва кеч пишадиган навларини етиштириш имконини беради. Ток иқтисодий самарадор экин бўлиб, эллик йил ва ундан кўп вақт яшайди. Ундан экологик тоза маҳсулот олинади. Абдурахмон Юлдошевнинг яқинда чоп этилган “Узумчиликда миришкор соҳибкорларнинг илғор тажрибалари” китобида ток парвариши, узумнинг сермахсул навлари ҳақида қимматли маълумотлар берилган. Китобни узум етиштиришда ҳақдонлар учун ихчам қўлланма дейиш мумкин.



Zarafshon Самарқандский ВЕСТНИК

MUASSIS: «Zarafshon» va «Самарқандский вестник» gazetalarini tahririyati mas'uliyati cheklangan jamiyati

Bosh muharrir: Farmon TOSHEV. Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyati matbuot va axborot boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 17 068 nusxada chop etildi. Buyurtma 392. Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

Hajmi 2 bosma taboq, bichimi A-2

QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56 BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61. MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi. Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi. «Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi. Korxonamanzili: Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy. Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da. Bosishga topshirildi: soat 19:00

Navbatchi muharrir: A.SHERXOLOV. Navbatchi: T.SIDDIQOV. Sahifalovchi: B.ABDULLAYEV. Sotuvda narxi kelishilgan holda

ISSN-201667X. 9 772 010 667 009